

Эркак ва аёллар намоз ўқишида ҳам бир канча фарқлар бор экан

21:30 / 25.04.2016 5943

САВОЛ: Ислом динида аёлларнинг масжидларга чиқиб, жамоат намозларида қатнашишлари маъқулланмаслигидан хабарим бор. Аммо эркак ва аёллар намоз ўқишида ҳам бир қанча фарқлар бор экан. Шу ҳақида маълумот олмоқчи эдим.

ЖАВОБ: Ҳақиқатда намоз ўқиш пайтида эркак ва аёлларни қиладиган ҳаракатлари орасида фарқ бор. Баъзи бир Ҳанафий уламоларимиз бу фарқни 10 та фарқ эканлигини айтиб ўтишган. Ана шу фарқлардан биринчиси “Такбири Тахрима”да яъни намозни бошлаш учун ниятни қилиб бўлиб “Аллоҳу акбар” деган пайтда эркак кишилар қўлларини қулоқларигача яъни бош бармоқларини қулоқларини юмшоқ жойигача кўтариб, теккизиб такбир айтсалар, аёллар такбир пайтида қўлларини елка баробар кўтарадилар, бир оз қимтинган ҳолда. Иккинчи фарқ эркаклар намоз ўқиётган пайтларида қўл боғлаганларида, қўлларини киндикларини остига қуядиган бўлсалар, аёллар ана шу қиёмда турганларида икки қўлларини кўкракларидан тутган ҳолда қўл боғлаб туриб намоз ўқийдилар. Шунингдек аёл киши икки кафтини қўлларини кўтараётган пайтида енгидан чиқариб яъни очишга ҳаракат қилмайдилар, ўша нглари билан қўлларини тусган ҳолда такбир айтиб қўлларини кўтарадилар. Тўртинчиси рукуъ пайтида ҳам панжаларини ортиқча чиқариб юбормайди, балки ана шу ёйиб ташламасдан, панжаларини қисган ҳолда икки қўлларини икки тиззаларига қуяди. Бешинчиси рукуъга борганларида эркакларга ўхшаб жуда пастгача эгилиб рукуъ қилмасдан, балки рукуъ деса бўладиган ҳолатда қимтинган ҳолатда эгилиб рукуъни бошланғич суратини адо этсалар бўлди, жуда пастга қараб энгашиб, тўғри эркакларга ўхшаб беллари билан бошларини тўғри ҳолга тушишини ҳаракат қилмасалар ҳам бўлади, яъни қилмаганлари афзал ҳисобланади. Олтинчиси рукуъ қилган пайтларида икки чиғаноқлари билан ҳам қимтиниби биқинларига тегизиби туради, эркаклар эса очиб кенгайтириб туришлари керак. Шунингдек саждага борганларида ҳам қимтинган ҳолларида қоринларини икки сонларига тегадиган қилиб унақа баланд қилиб эркакларга ўхшаб орани очмасдан сажда қиладилар. Саккизинчиси ўтириш яъни “Аттаҳияту”ни ўқиш пайтидаги икки ракаътдан кейин ёки тўрт ракаътдан кейинги ўтиришда фарқ бўлади. Бунда аёллар оёқларини

ёндан чиқариб орқаларини ерга қуйиб ўтиради. Эркаклар эса маълумки оёқларини устига ўтирадилар. Тўққизинчи фарқ сужуд пайтида яъни сажда қилган пайтда эркаклар чиғаноқларини кўтариб турсалар аёллар яна қимтинган ҳолларида чиғаноқларини ерга тегизиб туришлари тавсия қилинган. Яна фарқ шуки овоз чиқазиб ўқийдиган жойларда эркаклар имомлар овоз чиқазиб қироат айтадиган жойларда аёллар овоз чиқазиб қироат қилмайдилар, такбирларни айтмайдилар. Мана шу фарқлар буларни билб олиб намозни аёлларимиз шу ҳолатга қараб ўқиб борсалар фойдага мувофиқ намоз ўқиган бўладилар. Аллоҳ таоло барчаларимизни ўқиётган намозимизни даргоҳида қабул айлаб, намозларимиздан бу дунёю, охирада фойдаланишимизга Ўзи имконият берган бўлсин.